



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 149 (11.710)

Баҳоси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2010 йил –
Баркамол
авлод йили

Мамлакатимизнинг
барча олий таълим
муассасаларида
1 август кунин
талабаларга қабул
учин тест синовлари
бўлиб ўтди.



дастурига мувофиқ бу йўналишдаги ишлар ҳажми янада ортиб, таълим тизимига энг илғор ахборот-коммуникация, педагогик технологияларни тат-

лишлари, муайян янги факультет ва ихтисосликларнинг жорий этилгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар юртимизни янада раванк топтириш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш, ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш имконини бермоқда. Бу борада қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, «Таълим тўғрисида»ги қонун ёшларга билим беришни жаҳон андозалари даражасига кўтариш, реал иқтисодийнинг барча тармоқлари учун юксак салоҳият, мустақил фикр юритадиган, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш, таълим сифати ва маънунини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Соҳада олиб борилаётган ислохотлар самарасида замонавий билим маканларини барпо этиш, улардаги ўқув-тарбиявий жараёни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида ташкил этиш, ёшларнинг интеллектуал салоҳияти, қизиқиши, лаёқати, дунёқарашига мос касб-хунар эгаллашига яқиндан қўмақлашишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. «Баркамол авлод йили» Давлат

бик этиш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастур ва режаларини, адабиётларни давр талаби асосида такомиллаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Бу йил олий таълим маканларига қабулда «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар моҳиятидан келиб чиққан ҳолда эндошилгани, бунда иқтисодий-ижтимоий жаҳалларда кадрларга бўлган талабга мувофиқ мутахассислар тайёрлаш йўна-

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод уйи ва поликлиникаси капитал реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

МАЪНАВИЯТ ВА АДАБИЁТГА ЭЪТИБОРНИНГ ЯНА БИР ИФОДАСИ

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, халқимизнинг маънавий ҳаётини юксалтириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ўзининг юксак самараларини бермоқда. Халқ маънавиятининг кўзгуси бўлмиш адабиёт ривожини давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Миллий адабиётимизни ривожлантириш, ижодкорларнинг меҳнатини қадрлаш ва муносиб рағбатлантириш, ёш истеъдод эгаларини ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» асарларида адабиётнинг, соҳа вакиллари, адабиётимизнинг ривожлантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар юзасидан атрофлича фикр билдирилган. Зеро, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг ўрни, таъсири ва аҳамияти беқиёсдир.

Президентимиз Ислам Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч», «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» асарларида адабиётнинг, соҳа вакиллари, адабиётимизнинг ривожлантириш бўйича ёзувчилар, адабий жамоатчилик олдида турган долзарб вазифалар юзасидан атрофлича фикр билдирилган. Зеро, халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида камол топтиришда бадиий адабиётнинг ўрни, таъсири ва аҳамияти беқиёсдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурда «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори адабиётимиз равнақи учун зарур шарт-шароит яратиш, ёзувчи ва шоирларнинг ижодий салоҳиятини тўла рўёбга чиқаришга қўмақлашиш ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурда «Ижод» фонди ташкил этилди. Миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, бадиий сўз санъати соҳасидаги уюшмаларнинг кенг тарғиб этишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағлар жамғарилиши ва йўналтириш, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоларининг самарали ижодий фаолиятини таъминлаш мақсадида улар учун зарур маънавий, ижтимоий хизматлар қўриқатиш ва бошқа шарт-шароит яратиш, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган фахрийларга аниқ йўналтирилган моддий ёрдам кўрсатиш, ижодий кўриқ-танловларни ташкил этиш, иқтисодий ёрдам кўрсатиш, халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданияти, асрий аънава ва қадриятлари тараннум этилган, миллий маънавиятимизнинг мазмун-моҳияти теран бадиий ифодасини топган мумтоз ва замонавий адабиёт

- Қорақалпоғистон Республикаси Тўртқўл туманидаги «Баҳор» мавзесида намунавий лойиҳалар асосида 60 та замонавий уй-жой бунёд этилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган қарорига мувофиқ қурилатган бу уйларида аҳоли учун барча қулайликлар яратилмоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиги байрамига муносиб совға ҳозирлаш мақсадида иш суръатини тобора ошираётган қурувчилар томонидан йигирмта уйнинг томи ёпилиб, ўнтасида пардозлаш ишлари бошлаб юборилди. Тез кунларда янги иморатлар эгаларига топширилади.
- Тошкент вилоят касаб а уюшма ташкилотлари бирлашмасининг IV конференциясида бирлашма кенгашининг беш йиллик фаолияти таҳлил қилинди.
- Самарқанд шаҳрида фойдаланишга топширилган «Самарқанд хунармандлар маркази» халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантириш, ота-боболар касбини улуглаб келатган хунармандларни кўллаб-қувватлаш ҳамда уларга кенг имкониятлар яратишга хизмат қилмоқда.
- Бухоро вилояти Рометан туманида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 95 та корхона ва ташкилот 457 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Тадбир давомида 322 нафар кишига ишга йўлланма берилди. Таъкидлаш жоизки, уларнинг 210 нафари ёшлардир.
- Сирдарё вилояти Боёвут туманида «Боёвут-бунёдкор» фирмаси янги гишт заводининг биринчи навбатини ишга туширди. 60 нафар қишлоқ ёшлари ишга қабул қилинган янги корхонада ҳозир кунига 25 минг дона пишиқ гишт ишлаб чиқарилиб, қурилиш ташкилотларига пешма-пеш етказиб берилмоқда.
- Хазорасп туманидаги Питнак шаҳарчасида «Khogezm bricks» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини бошлади. Янги корхона пишиқ гишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, уни замонавий дастахоналар, технологиялар билан таъминлаш учун 1 миллиард 876 миллион сўм инвестиция киритилди. Корхонанинг иш бошлаши билан 40 нафар киши муқим иш жойига эга бўлди.

ЖАҲОНДА

- БМТ Бош Ассамблеяси дунёдаги ҳар бир одам тоза ичимлик суви ичишга ва яхши санитария муҳитида яшашга ҳақлигини мустахкамловчи янги резолюция қабул қилди. Мажбурий асосга эга бўлмаган резолюция 122 та давлат томонидан кўллаб-қувватланди.
- Покистон президенти Асиф Али Зардорийнинг Европа мамлакатлари бўйлаб сафари бошланди. Кеча Зардорий Франция Президенти Николя Саркози билан учрашиб, ҳавфсизлик ва терроризмга қарши кураш, Франциянинг Ҳиндистон билан ядро соҳасидаги ҳамкорлиги масалаларини муҳокама қилди. Покистон президенти Буюк Британияга ҳам ташриф буюради.
- Россияда ҳаво ҳарорати рекорд кўрсаткичи – 40 даражадан ошиб кетгани сабабли мамлакатнинг ҳар хил ҳудудларида кенг кўламли ўрмон ёнғинлари авжига чикди. Ёнғинлар натижасида шу кунгача 1,5 мингта уй-жой куйиб қолди, 40 киши ҳаётдан кўз юмди, фақат Россиянинг Европа қисмида қўрилган зарар 5 миллиард рубдан ошиб кетди. Кучли ёнғинлар муносабати билан мамлакат президенти Д.Медведев етти минтақада фавқулодда ҳолат режимини эълон қилди.
- Покистонда эса кучли ёнғинлар натижасида юзага келган сув тошқинлари 1,5 минг кишининг ҳаётига зомин бўлди, 500 минг аҳоли уй-жойсиз қолди. Ҳозирда жойларда сув тошқинидан жабрланган ҳудудларидаги кутқарув ишларида армия ва полиция ёрдамлашмоқда. Мамлакатда вабо касаллигининг тарқалганлиги ҳам қайд этилди.
- Кеча Красноярск ўлкасининг Игарка шаҳри аэропортига қўниш чоғида АН-24 русумли йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Натijasда экипаж аъзолари ва йўловчилардан иборат 15 кишининг 11 нафари ҳаётдан кўз юмди.
- Аргентиналик машҳур футболчи ва мураббий Диего Марадона мамлакат футбол федерацияси унинг томонидан илгари сурилган шартлари бажармаганлиги учун терма жамоа бош мураббийлиги вазифасидан кетишини маълум қилди.

**ҚИСҚА
САТРАРДА**
Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ КЕЧА Чилонзор туманидаги «Кичик Хирмонтепа» маҳалласида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги роли мавзусига бағишланган давра сўхбати уюштирилди.

✓ РЕСПУБЛИКА илмий-техникавий ва тиббиёт ҳужжатлари давлат архивиди соҳа мутахассислари иштирокида ўтказилган тадбирда ҳужжат-

ларни асрашда самарали усуллар жорий этилаётганлиги, бу борада электрон ҳужжатлар тизимини янада такомиллаштириш хусусида сўз борди.

✓ «ЎЗЕНГИЛСАНОАТ» ДАК енгил санаот ва тўқимачилик соҳаси ривожини йўлида олти ойда бажарилган ишлар сарҳисобини чиқариб, келгуси режаларни белгилаб олди.

2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиздаги қишлоқ врачлик пунктларининг 1046 таси GSM ва CDMA стандартларидаги алоқа воситалари билан таъминланди.

Уятган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа мамлакатимиз мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигини тобора яқинлаштирмоқда. Кўнгилларда байрам шухуқи, кўча-кўйда, катта-кичи жамоаларда тантана тадориги ҳукмон. Тўйга тўёна билан боришдек ўзгал оdatимизнинг амалий кўриниши бу.

Албатта, ўн тўққиз йил – тарих учун жуда оз муддат. Лекин шу қисқа вақт ичида Ўзбекистонда Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида асларга татигулик ишлар қилинди. Шу йиллар давомида юртимизда мисли кўрилмаган ислохотлар амалга оширилди, оламшумул ўзгаришлар юз берди. Ислохот ислохот учун эмас, ислохот инсон учун, унинг манфаатлари учун, деган эзгу даяват ҳаётимизнинг шioriга айланди.

ларга ўрнатилган телефонларга бақириб гапирмасангиз, ҳатто қўшни маҳалладаги суҳбатдошингиз яхши эшитмасди. Қишлоқлардаги ахвол янада ачинарли эди. Чека ҳудуд ёхуд олис овуллари қўя туринг. Тошкент шаҳридан, нари борса, юз чакирим келадиган қишлоқдаги қариндошингиз билан телефонда гаплашиш учун камидан икки кун кетарди. Олдин телеграмма бериб, уни муайян вақтга туман марказига чакиртирасиз. Кейин АТСга бориб, боғлаб беришларини соатлаб кутасиз. «Линия банд», деган иборани эшитавериб асабларингиз қақшар эди.

«Энг улуғ, энг азиз» танловига ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ ТАРАҚҚИЁТИ

ҳафта келинг» дегувчилар тушида ҳам кўрмагандир. «Motorola» компанияси раҳбари Мартин Купер 1973 йилнинг 3 апрелида Манхеттен кўчаларида юриб «сотка»да суҳбат қурган вақтда собиқ тоталитар тузум даҳолари оддий одамларни ҳатто симли телефон учун навбатга қўйишдан чарчамасди. Инсон қади, унинг манфаатлари, қулайлик ва имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан иши йўқ эди. Қисқаси, телефон ихтиро қилинганидан то мустақилликка эришганимизча орадан роса 119 йил ўтди.

стандартларига тўлиқ жавоб беради. Биргина мисол: 2010 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиздаги қишлоқ врачлик пунктларининг 1046 таси GSM ва CDMA стандартларидаги алоқа воситалари билан таъминланди. Барча кириш кўнгираклари бепул бўлган бу телефонлар энг замонавий алоқа воситаларидан саналади.

Телекоммуникация соҳасини реконструкция қилиш ва модернизациялаш натижа-сида юқори ўтказувчанлик салоҳиятига эга рақамли синхрон иерархия технологиялари асосида ўта сифатли ва барқарор ишлайдиган телефон тармоғи бунёд этилди. Бу тақдим этилаётган аънаваный хизматларни кенгайтириш, янги турдаги хизматларни жорий этиш, мобил алоқа, маълумот уза- берганларни дуо қилишади.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг «UzNet», «TShTT» ва «ТошТТС» филиалларида IP-телефония хизмати ҳам жорий этилди. Бу технологиянинг ўзига хослиги шундаки, компьютерда интернет орқали маълумот узатилади. Ҳудди электрон почта (E-mail) сингари товуш ҳам рақамли маълумотга айлантирилади ва суҳбатдошга етказилади. Бошқача айтганда, IP-телефония – бу маълумот узатиш тармоғи бўйлаб товушни узатишдир. IP-телефония одатдаги телефон сўзлашувларидан 2-3 марта арзон технологиядир.

САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

(Давоми. Боши 1-бетда). Институт қабул комиссияси масъул котиби Шухрат Рейми боёвнинг маълум қилишича, 2010/2011 ўқув йилида ушбу олий таълим даргоҳига 975 нафар талаба қабул қилинади. Олий таълим олиш истигада бўлган 3310 нафар абитуриент ариза топширган. Бу ерга таълимнинг бакалаврият ва магистратура босқичида мейморчилик ва қурилиш муҳандислиги соҳаларининг ўн саккиз йўналиши бўйича мутахассислар тайёрланади.



Пойтахтимизнинг хушманзара гўшалари

ТАРБИЯ МАСКАНИ

Ёш авлодга ғамхўрлик, фарзандларимиз таълим-тарбиясига эътибор давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишларидандир.

Бугунги кунда ёшларнинг чуқур билим ва касб-хуна эгаллаши учун барча шароитлар яратилмоқда. Айни пайтда ўғил-қизларимиз ёзги таътилда бўлишига қарамай, уларни жисмонан соғломлаштириш, билими, ақл-заковати, салоҳиятини юксалтиришга қаратилган тадбирлар бевосита оромгоҳларда ташкил этилмоқда.

Иқтисодийнинг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини оширишда транспорт воситаларининг хизмати каттадир. Иқтисодийнинг ўсиши ва унга боғлиқ равишда автотранспорт воситалари сони кўпайиши, ўз навбатида, ёнилги маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ўсишига ҳам олиб келади. Айни пайтда автотранспорт воситаларини экологик тоза ёнилги турлари билан ўз вақтида ва узлуксиз таъминлаш энг муҳим масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Қарор ва ижро МУҚОБИЛ ЁНИЛГИНИНГ САМАРА ВА АФЗАЛИКЛАРИ

Республикамизда транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириш, бензин ёнилгисини экологик тоза ҳисобланган суьултирилган ва сиқилган табиий газга босқичма-босқич алмаштириб, ушбу жараёнга кенг инвестицияларни жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги «Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларини ва автомобилларга газ қуйиш станцияларини шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суьултирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, 2012 йилларга мўлжалланган аниқ стратегия ишлаб чиқилди.

Келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу жараёнда жисмоний шахслар фаолроқ иштирок этмоқда. Яна бир тенденция – бу автомобилларни суьултирилган газда ишлашга мослаштиришдан кўра, сиқилган газда ишлашга ўтказиш тезлик билан ўсиб бормоқда. Экспертлар республикамизда иккита мукамал газ-мотор ёқилгиси бозори ташкил топган бўлиб, доимий ривожланиб бораётганини таъкидламоқда.

Лазиз АКБАРҲЎЖАЕВ, Уздавнефтьгаз-инспекцияси бош технологи

Мамлакатимизда ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг қамолоти йўлида меҳр ва эътибор кўрсатиш юзасидан амалга оширилаётган эзгу ишларда навқирон авлоднинг юксак инсоний фаълиятлар рўҳида тарбиялаш, улар қамли ва онини миллий ҳаёт тарзига эид зарарли таъсирлардан ҳимоялашга қўриб юксак ижодий-интеллектуал салоҳият, фидойи, изланувчан ва ташаббускор педагог кадрларни тайёрлашга, улар меҳнатини қадрлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

